

357 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لِلَّهِي
مِنْكُمْ أُولُوا الْأَخْلَامَ وَالنُّهَمَى، ثُمَّ الَّذِينَ يُلْوِنُهُمْ» - ثَلَاثَةً - «وَإِيَّاكُمْ وَهَيْشَاتِ الْأَسْوَاقِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.
. [432/123]

357. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Менга сизларнинг эс-хушли ва ақллиларингиз, сўнг ундан кейингилари - уч марта - яқин турсин. Бозордаги бақир-чақирдан узоқ бўлинглар».

Ином Муслим ривояти.

Шарх: Демак, жамоат намозида имомга энг яқин турдиган кишилар етук ва ақл эгаси бўлишлари керак. Бошқача қилиб айтганда, имом намозни адо этишда ёки қироатда адашиб қолса, уни тузатиб қўядиган ёки бирор сабабга кўра намозни тарк этадиган бўлса, ўрнига ўтиб, келган жойидан имомлик қилиб кета оладиган кишилар бўлишлари керак. ҳар ким ўзини уриб имомга яқин жойга туриб олавериши ҳам дуруст эмас.

Шунингдек, мазкур етук ва ақл эгаси бўлмиш кишиларга яқин жойга етуклиқ ва ақлда уларга яқинлашадиган кишилар ўтишлари лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Бозорларнинг шовқинидан эҳтиёт бўлинг» деганлари бозордаги беҳуда шовқин-сурон, талашиб-тортишишга ўзингизни урманг, деганларидир. Албатта, бу ишларга ўзини билган, обрў-эътиборини саклашга ҳаракат қилган одамлар ўзини урмаслиги керак. Шу билан бирга, бу ерда масжиднинг зикри келаётгани учун масжидни бозор қилиб юборманглар, деган маъно ҳам келиб чиқади.

Манба: hadis.islom.uz

